

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАРИНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Умурзоқов Элёр Худайқулович**

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун самарали инвестиция сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Инвестицион харажатларнинг мақбул молиялаштирилиши корхоналарнинг технологик янгиланиши, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги бозорларга кириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ, хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион харажатларини молиялаштириш жараёнида турли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, узоқ муддатли ва имтиёзли кредит манбаларининг чекланганлиги, капитал бозорининг етарлича ривожланмаганлиги, инвестиция лойиҳаларининг молиявий хавфларини бошқаришдаги қийинчиликлар мавжуд.

Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш механизмларини жорий этиш ҳамда янги молиялаштириш инструментларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда инвестиция жараёнини молиялаштириш амалиёти таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Фикримизча, корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

Корхоналарнинг қимматли қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан узоқ муддатли молиявий ресурслар жалб этиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, инфляциянинг мўътадил даражасига эришиш (йиллик 3%) ва миллий валютанинг девальвациясига барҳам бериш йўли билан корхоналар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини таъминлашга кўмаклашиш лозим; иккинчидан, инвесторларнинг корхоналарнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларидан олинадиган даромадлари солиққа тортилмаслиги керак.

Инфляция ва девальвация суръатининг юқори эканлиги миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини таъминлаш имконини бермайди. Чунки, мазкур иккала омил таъсирида ушбу қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг реал қиймати кескин пасайиб кетади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларидан инвесторлар оладиган даромадларни солиқдан озод қилиниши ушбу қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молия бозорининг муҳим таркибий қисми бўлган қимматли қоғозлар бозори орқали молиявий маблағлар жалб қилиш имкониятидан ҳозирча фойдаланишмаяпти. Ҳолбуки, ушбу бозор уларга қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан молиявий ресурслар жалб этиш имконини беради. Бунинг учун, биринчи навбатда, товар айланмаси кичик бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун қимматли қоғозлар бозорининг листинг талабларини енгиллаштириш зарур. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, ушбу субъектларнинг товар айланмаси ҳажми кичик; иккинчидан, уларнинг рейтинг баҳолари мавжуд эмас.

Тараққий этган мамлакатларда банк тизимининг ривожланганлиги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиялаштириш манбаларига бўлган талабларини қондириш имконини беради. Хусусан, банк тизимининг ривожланганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларга, шу жумладан инвестицион кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Инфляция даражасининг ва тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини нисбатан юқори эканлиги ва 2017 йилда миллий валютанинг кескин қадрсизланганлиги, фикримизча, корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Миллий ссуда капиталлари бозорида қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларнинг фоиз ставкаси шаклланади. Марказий банк эса, кредит ресурсларига бўлган талаб ва уларнинг тақлифига таъсир этиш йўли билан кредитларнинг фоиз ставкаларига таъсир этиши мумкин. Шу сабабли, фикримизча, миллий ссуда капиталлари бозорини шакллантириш кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш имконини беради.

Мавзу юзасидан олиб борилган тақдиқот натижаларидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги **амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:**

**1. Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) моделини кенгайтириш.** Давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш, хусусан, инфратузилма ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда. Давлат тарафидан субсидиялар ва имтиёзлар кўрсатиладиган ДХШ лойиҳаларини жорий этиш, шунингдек, хусусий инвесторлар учун жозибадор шарт-шароитлар яратиш. Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторни кенгроқ инвестиция лойиҳаларига жалб қилиш ва хавфларни тақсимлаш.

**2. Капитал бозорини ривожлантириш.** Корхоналар учун акциялар ва корпоратив облигациялар чиқариш жараёнини соддалаштириш. Бу тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга имкон яратади. Вақтинчалик молиявий ресурсларни мобилизация қилиш учун вексельлар, лизинг ва факторинг операцияларидан фойдаланиш. Бозордаги рақобатни ошириш ва капитални жалб қилиш учун молия бозорини регуляциялаш ва транспарентликни таъминлаш.

**3. Венчур молиялаштиришни кенгайтириш.** Кичик ва ўрта бизнесга нисбатан венчур капиталининг ёрдамларини кенгайтириш, ушбу лойиҳаларга инвестиция киритиш учун махсус фондлар ташкил этиш. Инновацион лойиҳалар ва start-урларга молиявий кўмак кўрсатиш учун венчур капитал дастурларини яратиш. Инвестициявий секторда хусусий ва давлат фондларининг ижтимоий аҳамияти бор лойиҳаларга йўналтирилишини таъминлаш.

**4. Инвестицион хатарларни бошқариш ва суғурта механизмларини такомиллаштириш.** Инвестицион хатарларни бошқаришнинг самарали

механизмларини жорий этиш, молиявий кўприклар ва резерв фондларини ташкил этиш. Суғурта ва хатарлардан ҳимоя қилиш учун бозор шартномаларини жорий этиш. Кредит суғуртаси ва лойиҳа суғуртаси каби новатор молиялаштириш воситаларини кенгайтириш.

Бу таклифлар хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга, инвестиция муҳитини яхшилашга ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган аниқ қадамлардир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бауетдинов М.Ж. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришнинг долзарб масалалари. Молия. Илмий журнал. Тошкент молия институти, 5/2017, Б. 65-68. (08.00.00; №12).
2. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги 158-сон Фармони.
4. Бауетдинов М.Ж. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини молиялаштиришнинг долзарб масалалари.